

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛАРИ — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН, ХАЛҚИМИЗНИ БОЙ, ҲАЁТИМИЗНИ ФАРОВОН ҚИЛАДИГАН КУЧ

Янги Тошкентда 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти бўлиб ўтди.



Эркин ва рақобатбардош тадбиркорлик муҳити иқтисодий ўсишни тезлаштиради. Шу боис, мамлакатимизда тадбиркорлар учун ҳар томонлама шароит яратиш давлат сиёсатида устувор йўналиш саналади.

Халқро тажрибада ҳам мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва барқарор ривожланиши, аввало, тадбиркорлик фаолиятининг қай даражада эркин ва самарали ташкил этилганига боғлиқ. Замонавий иқтисодиётда давлатнинг асосий вазифаларидан бири тадбиркорлар учун қулай муҳит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва тўсиқларни камайтиришдан иборат.

Ишбилармонлик жамиятда янги иш ўринлари яратди, турли соҳаларда рақобат муҳитини кучайтиради, инновациялар ва замонавий технологияларни жорий этишга туртки бўлади. Тадбиркорнинг ҳар бир ташаббуси нафақат унинг жамоаси манфаатлари, балки мамлакат иқтисодий салоҳияти учун ҳам хизмат қилади.

Агар мамлакатда тадбиркорлар учун қулай ҳуқуқий, молиявий ва инфратузилмавий шароитлар яратилса, бу жараён хорижий сармоядорлар учун ҳам жозибадор муҳитни шакллантиради.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларни касб байрами ва Мустақилликнинг 34 йиллиги

билан табриклади. Ҳар бир соҳа, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалладаги ўзгаришларда уларнинг ҳиссаси катта эканини таъкидлади.

Ўтган саккиз йилда иқтисодиётнинг кўлаб тармоқлари янгидан ташкил этилди. Бу даврда 230 миллиард доллар инвестиция кириб келди, шундан 120 миллиард доллардан ортиғи хорижий сармоя. Бу йил биринчи ярим йилликда мамлакатимиз иқтисодиёти 7,2 фоизга ўсди.

Бизнес юритишдаги қулайликлар натижасида тадбиркорлар кўпайиб, фаолияти кенгайиб бормоқда. Масалан, 1 минг 600 та микро корхона бир йил ичида айланмасини

10 миллиард сўмдан ошириб, бирданига ўрта корхонага, 143 таси эса 100 миллиард сўмдан ошириб, йирик корхонага айланди. Яна 122 та кичик корхона йирик бизнес сафига қўшилди.

Бизнесни “соя”дан чиқариш чоралари натижасида 139 мингта корхонада иш ўринлари 811 мингтага кўпайди, 273 мингта корхона иш ҳақи фондини 22 фоизга оширди. Ўтган йили хусусий секторда ўртача ойлик 4 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 5 миллион сўмга яқинлашди.

Илк очик мулоқотдан буён тадбиркорларнинг мингта яқин ташаббуси қонунчиликка

киритилгани қайд этилди. Бу галли мулоқот бешинчиси бўлди. Унга тайёргарлик давомида 26 та соҳанинг 7 мингта яқин вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. “Колл-марказ” орқали ҳам 13 мингдан зиёд муносабат ва ташаббуслар қабул қилинди.

Ўтган ҳафталарда иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқлари бўлган мева-сабзавотчилик, тўқимачилик ва яққа тартибдаги тадбиркорлик масалалари муҳокама қилиниб, кўмак чоралари белгиланган эди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари тадбиркорликнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам янги ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, қисқа муддатда ва тез даромад берадиган иш ўринлари яратишда энг самарадор йўналишлардан бири бўлган хизматлар соҳаси жадал ривожлантирилади. Туризмни ривожлантириш бўйича янги дастур бошланади. Келгуси уч йилда меҳмонхона ва туризм масканлари ташкил қилиш учун жами 5 минг гектар ер аукционга чиқарилади. Бунда меҳмонхона қурмоқчи бўлган тадбиркорлардан ерларни сотиб олиш учун тўлов ўндирилмайди. Эвазига давлат шу сумма билан лойиҳага улушдор бўлиб қиради.

➤ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Хурматли тадбиркорлар, анжуман иштирокчилари!

Авваламбор, сизлар билан энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллик байрами олдида учрашиб турганимдан беҳад хурсандман.

Бугун шуни фахр билан айта оламизки, юртимизда яратилаётган ҳар бир иш ўрни, қад кўтараятган ҳар бир корхона, халқимизнинг оғирини енгил қилаётган ҳар бир хизмат, экспорт бўлаётган ҳар бир маҳсулот — сизнинг жасорат билан қилаётган меҳнатингиз, ташаббус ва изланишингиз маҳсулидир.

Бугунги тадбиримизни шунчаки анжуман эмас, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган жонли ва самимий мулоқот майдони, десак, тўғри бўлади.

Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: ҳар бир соҳа, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир

маҳалла — фақат тадбиркор ҳаракат қилганида, уларга қулоқ тутиб, ишонч билдирилганида ривожланади, обод бўлади.

Шу боис, бугун сизларни эшитамиз. Сизнинг овозингиз орқали ҳал қилинадиган масалаларни биргаликда муҳокама қилиб, уларга аниқ ечимлар топиш ҳақида келишиб оламиз.

Хурматли тадбиркорлар! Биз ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ сизлар билан ҳамфикр бўлиб, иқтисодиёти қудратли, саноати рақобатбардош, молиявий тизими барқарор, барча соҳалари инвесторлар учун жозибадор бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришдик.

Адолатли ҳакам бўлса айтсин, ўтган саккиз йилда қаттиқ меҳнат ва машаққатлар билан иқтисодиётимизнинг кўлаб тармоқларини йўқдан бор қилдик. Эътибор беринг, бу даврда турли соҳаларга 230 миллиард сўмдан инвестиция кириб келди, шундан 120 миллиарддан ортиғи — хорижий сармоя.

Бир қарашда айтишга осон бўлган ушбу рақамни олдинлари ҳисоб-китоб қилиш тугул, тасаввур қилиб ҳам бўлмасди. Лекин, биз буни урдададик.

Турли низо ва зиддиятлар туфайли жаҳон иқтисодиёти ғоят мураккаб даврни бошидан ўтказаятган бир вақтда, прагматик ва проактив сиёсатимиз туфайли, бу йил биринчи ярим йилликда иқтисодиётимиз 7,2 фоизга ўсди.

Бу ютуқларимизнинг барчаси — сизлар билан биргаликда қилган машаққатли меҳнатимиз маҳсули, албатта.

Ўтган даврда минглаб микро ва кичик корхоналар қисқа муддатда яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, катта-катта компаниялар билан рақобат қила бошлади. Масалан, 1 минг 600 та микро корхона бир йил ичида оборотини 10 миллиард сўмдан ошириб, бирданига ўрта корхонага, 143 таси эса, 100 миллиард сўмдан ошириб, йирик

корхонага айланди. Яна 122 та кичик корхона олдинга икки қадам сакраб, йирик бизнес сафига қўшилди.

Ўтган йили обороти 1 триллион сўмдан ошган 203 та корхона бор эди. Бу йилнинг ўтган олти ойида уларга қўшимча яна 47 та корхона 400-500 миллиард сўмлик маррани забт этди. Насиб қилса, йил якунигача улар ҳам бемалол “триллиончилар” сафига қўшилиди.

Бизнесни “соя”дан чиқариш бўйича янги механизмларни кўпайтирганимиз ҳисобидан 139 мингта корхонада иш ўринлари 811 мингтага кўпайиб, 2,2 миллиондан 3 миллионга етди. 273 мингта корхона иш ҳақи фондини 22 фоизга ёки 4,6 триллион сўмга оширди.

Ўтган йили хусусий секторда ўртача ойлик 4 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 5 миллион сўмга яқинлашди.

Мен бу мисолларни нима учун айтаялман? Одамларимиз тадбиркорликнинг “ҳадиси”ни олиб, ишбилармонга айланди, юртимизда

барқарор ривожланаётган янги бизнес ҳам-жамияти шаклланди.

Азиз дўстлар! Анъанага қўра, бу йил ҳам кичик бизнес вакилларида тортиб, йирик корхоналар раҳбарлигига — энг илғор ва фидойи тадбиркорларимизнинг 49 нафари давлат мукофотлари, 112 нафари эса “Фол тадбиркор” кўрак нишони билан тақдирланди. Уларнинг орасида илми, тафаккури билан бизнес ривожига катта ҳисса қўшаётган олимларимиз ҳам бор.

Ўтган бир йилда яна 52 нафар ишбилармон тадбиркоримиз, миришкор деҳқон ва фермерларимиз, ташаббускор инвесторлар ордени ва медаллар соҳибига айланди. Айниқса, ҳомиёлик қилиб, богча ва мактаб, шифохоналар қураётган, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашаётган, ёшларни қўллаб-қувватлаётган саховатпеша тадбиркорларимиз кўпайиб бораётгани бизни қувонтиради.

Ҳеч шубҳасиз, ўғил-қизларимизни спортга жалб қилиш учун катта шароит яратиб бераётган, уларнинг жаҳон ва китъа, Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинлари, бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда юқори чўққиларни забт этишига кўмаклашаётган бизнес вакиллари юртимизнинг чинакам фидойиларидир.

Ушбу залда ҳам, худудий студияларда ҳам уларнинг кўпчилигини кўриб турибман. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз тадбиркор бўламан, деган минглаб ўғил-қизларимиз учун илҳом манбаига айланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, хурматли тадбиркорларга, сизлар орқали бутун республикамизнинг бизнес вакилларига ўзимнинг чуқур ва самимий миннатдорлигимни изҳор қиламан.

Байрамнингиз муборак бўлсин!

➤ Давоми 2-бетда

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

БУГУНГИ АВЛОД ИШБИЛАРМОНЛАРИ — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ КАТТА БОЙЛИГИ

Бугун мамлакатимиз тадбиркорлари, бизнес соҳаси вакиллари, тиниб-тинчимас ишбилармонларга шундай таъриф бериляпти. Давлатимиз раҳбарининг ўзи бундан саккиз йил олдин янги Ўзбекистонда бошланган шиддатли ислохотлар аввалидаёқ тадбиркорларга катта ишонч билдирди. Бу ишонч ортида Президентимиз бошчилигидаги катта қўллаб-қувватлов, юртимиз ишбилармонларига берилаётган доимий имконият ва имтиёзлар мужассам. Мамлакатимиз тадбиркорлари ҳам бунга ўз ғайрати, шижоати, ташаббускорлиги ва фидойилиги билан жавоб бермоқда.



Кеча, 20 август куни мамлакатимиз бизнес соҳаси вакиллари илтифат қутган учрашув — давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан навбатдаги очик мулоқоти бўлиб ўтди. Бунёдкорликлар майдонига айланган Янги Тошкентда ўтказилган учрашувнинг руҳи, қўламини ҳам шунга яраша — бугунги тадбиркорлар олдида қўйган мақсадлари

каби улкан, ўзларига бўлган ишончлари каби салобатли эди. Янги ва маҳаббатли манзил давлат ҳамда бизнес ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган жонли ва самимий мулоқот майдонига айланди.

➤ Давоми 4-бетда

“ИСЛОХОТЛАР ШТАБИ” ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА СИФАТИДА ТУМАНЛАРНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРАДИ

Инсон ҳаётида ҳар бир давр — йил, ой, ҳафта, кун ва ҳатто соат ёки сонияларнинг ҳам ўзига хос қиймати, аҳамияти бор. Шу маънода, янги Ўзбекистонни барпо этишга киришилган тарихий янгиланиш жараёнларининг шиддатли саккизинчи йили барча юртдошларимиз қатори чилонзорликлар ҳаётида ҳам ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Негаки 2025 йил якунига қадар туманимизни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришни мақсад қилганмиз.

Инсон қадрли улуғланаётган, халқ манфаатлари ҳар нарсадан устун қўйилаётган мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан катта ўзгариш ва янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётгани маррани мана шундай катта олишимиз, шунга яраша

ҳаракат қилишимизга замин яратмоқда. Албатта, буларнинг барчаси юртдошларимизнинг фаровон, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қиялпти.

➤ Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛАРИ — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН, ХАЛҚИМИЗНИ БОЙ, ҲАЁТИМИЗНИ ФАРОВОН ҚИЛАДИГАН КУЧ

Бошланиши 1-бетда

Тадбиркорлар 10 йил ичида исталган пайтда бу улушни қайта сотиб олиши мумкин бўлади. Агар тадбиркор ер қийматини бошида тўлайман деса, 20 фоиз чегирма берилади. Меҳмонхона қуриш учун 7 йил муддатга 2 йиллик имтиёзли давр билан кредит ажратилади.

Кўп тадбиркорлар давлат объектлари ва хусусий биноларни сотиб олиб, меҳмонхонага айлантиряпти. Энди янги меҳмонхона учун кўзда тутилган субсидия уларга ҳам берилади. Тошкент шаҳри, вилоятлар маркази ва йирик сайёҳлик худудларидан бошқа жойдаги меҳмонхоналар туристик йўлнинг тўламайди.

Амалдаги тартибга кўра, оилавий меҳмон уйлари туристлари қабул қилиши бўйича қулиқ меъёр 10 нафардан ошмаслиги белгиланган. Энди бу чеклов икки каррага кўпайтирилади.

Президентимиз маҳаллий меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари ўртасида танлов ўтказиш таклифини илгари сурди. Танловнинг мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлади, сайёҳлар эътиборини қозонган, нуфузли халқаро платформаларда энг кўп ижобий эътироф олган меҳмонхоналар ҳар йили тақдирланади.

Инфратузилма олиб бориш орқали йирик туристик масканлари кўпайтирилади. Чортоқдаги Қорабоғ, Фарғонадаги Чимён, Бойсундаги Омонхона, Нурободдаги Нурбулоқ худудларида йил давомида хизмат кўрсатадиган йирик курорт зоналар ташкил этилади.

Бу йил 16 та тумани жадал ривожлантиришга 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Келгусида яна 500 миллион доллар ҳисобига бошқа туманларда ҳам шундай ишлар амалга оширилади. Бу санаят, сервис, қурилиш соҳаларидаги тадбиркорларга катта имконият, юз минглаб иш ўринлари яратиш учун шароит бўлади.

Бизнес вакилларида қўшимча жой олишга эҳтиёж бор. Шу муносабат билан келгуси йилдан давлат активлари беш йилга ижарага берилади.

1991 йилда қабул қилинган “Ижара тўғрисида”ги қонун асосан давлат органлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилгани қайди этилди. Шу боис, ижарага берувчи ва ижарачи ҳуқуқларини бирдек ҳимоя қиладиган янги таҳрирдаги қонун ишлаб чиқирилиши айтилди.

Сандқаҳқор ХОЛХЎЖАЕВ, Чилонзор тумани ҳокими

Бошланиши 1-бетда

Ортга қайтмас ислохотларни тизимли олиб боришда вилоят, туман-шаҳар масъулари давлатимиз раҳбарига эш бўлаётгани ислохотлар самарадорлигини таъминламоқда. Барча даражадаги раҳбарлар халқ орасига, маҳаллалар, хонадонларга кириб бориб, юрдошларимиз муаммоси, ўй-хаёли, қизиқиши ва лаёқати, турмуш тарзини ўрганиб, ҳаётга татбиқ этилаётган янгидан янги тажрибалар, лойиҳаларга таянган ҳолда ташвишланиб, ечим, турмуш шароитини янада кўтаришига имконият яратмоқда.

Ҳаётга татбиқ этилаётган янги тажриба ва лойиҳалар айнан юрдошларимизнинг таклиф-мулоҳазалари асосида йўлга қўйилаётгани боис, аҳоли даромадини кўтариш, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилашда кўл келмоқда.

Жумладан, Чилонзор туманида бирончилардан бўлиб ташкил этилган “Ислохотлар штаби”нинг намунали фаолияти туманда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали камбағалликдан чиқариш, юрдошларимизга ижтимоий хизмат кўрсатиш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий инвестициялар иштирокида худудда бунёдкорлик ишлари, санаят корхоналарини ташкил этиш борасидаги натижалар қаррасига орттиришга замин яратмоқда.

Бунда “Ислохотлар штаби” таркиби туманининг турли давлат идораларида фаолият юритадиган, фидойи, аҳоли манфаатлари учун жонқур масъуллар ҳамда худуднинг фаол, ишбилармон, етакчи тадбиркорларидан тузилгани ҳам қўл келмоқда. Чунки етакчи тадбиркорлар тумандошларимизга ўз тажрибасидан келиб чиқиб, керакли маслаҳатлар бераётган бўлса, мутасаддилар уларга давлат томонидан берилаётган катта қўлайлик ва имтиёз, имкониятларни тақдим этмоқда.

“Ислохотлар штаби” вакиллари, аввало, ишни ишчиларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни тоифаларга ажратган ҳолда иш билан таъминлаш ёки банклар филиаллари билан ҳамкорликда бизнесини бошлашга қўмаклашадиган, зарур ҳолларда эса айрим юрдошларимизни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишдан бошлади. Бу, ўз

Мулоқотда таълим ва тиббиёт соҳаларида оид имкониятлар ҳам белгиланди.

Хусусан, энди бочка қамрови паст бўлган 80 та туманда тадбиркорларга енгиллик берилади. Бочка ва мактабларнинг бўш ерларида хусусий шериклик асосида бочка қуришга рухсат этилади. Бунда тадбиркорлардан ер учун ижара ҳақи 30 йил давомида уңдирилмайди. Уларга давлат боччасида ҳар бир бочка кўзда тутилган харажатининг ярми субсидия қилиб берилади. Шунингдек, ташаббускорларга имтиёзли кредит ажратилади. Уларга ижтимоий солиқ 1 фоиз бўлади.

Тиббиёт кластерларини барпо этган тадбиркорларга 7 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан 17 фоизли арзон кредитлар берилади.

Президентимиз бизнесни қўллаб-қувватлашининг энг муҳим инструменти — молиявий хизматлар эканини таъкидлади. Шу боис, энди лойиҳага соддалашган тартибда маблағ жалб қилиш бўйича инвестиция платформаси ишга туширилади. Тадбиркорлар ушбу янги тизим орқали йилига қўшимча 1 миллиард доллар маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозир Ўзбекистонда 600 дан зиёд стартаплар фаолият юритмоқда. Шу йил етти ойда стартапларга рекорд миқдорда — 264 миллион доллар хорижий имкониятига кириб келди.

Бунинг давом эттирган ҳолда, ёшларнинг мингта стартап ғояси тижоратлаштирилади ва шундан 200 таси халқаро бозорга олиб чиқилади. Энг илгор технологиялар олиб келиниб, 100 та маҳаллий стартап халқаро миқёсда жозибадор бизнесга айлантирилади. Бунга 100 миллион доллар берилади.

Бу йилдан бошлаб, “Еш тадбиркорлар” чемпионати ўтказилади. Энг яхши 100 та ғоя танлаб олиниб, ҳар бир стартап учун 1 миллиард сўмгача инвестиция қиритилади.

Рақамли молиявий хизматларни кўпайтириш учун беш йиллик стратегия қабул қилинади. Бунда янги экотизим — “очик банкинг” жорий қилинади.

Келгуси йилда банклар томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликни мақсадли қўллаб-қувватлаш учун қўлай шартларда 1 миллиард доллар жалб қилинади. Муқобил скрининг модели ишга туширилиб, кредит бериш шартлари осонлаштирилади.

Учрашувда солиқ маъмуричилиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Амалдаги тартибга кўра, йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан ошган корхоналар фойда солиғи бўйича аванс тўлагани учун айланма маблағдан қийинчилик юзага келмоқда. Шу боис, энди бу тартиб 20 миллиард сўмдан ошганда қўлланиши белгиланди. Натигада 14 мингта яқин тадбиркор иштиёрида қўшимча 1 триллион сўмлик айланма маблағ қолади.

Айланма солиқдан қўшилган қиймат солиғига ўтадиган корхоналар бир йил давомида фойда солиғи тўлашдан озод қилинади, ҳисоботида хатоллик бўлса ҳам жарима қўлланимайди, бухгалтерлар маошини 5 миллион сўмгача қисми олти ойгача бундай корхона тўлаган солиқдан чегириб ташланади.

Икки йил олдин айланмадан солиқ тўловчилар бухгалтериясини солиқчи юрилтадиган тизим қилинган эди. Энди келгуси йилдан ер, мол-мулк, ижтимоий ва даромад солиқлари ҳисоботларини шакллантириш бўйича тадбиркорлар мажбурияти бекор қилинади. Ушбу ҳисоботларни солиқчиларнинг ўзи бепул тўлади беради. Тадбиркорлар эса 5 кунда ҳисоботга тузатиш қиритиши мумкин бўлади.

Маълумки, бизнес қонун устувор бўлган жойда ривожланади. Сўнгги йилларда иқтисодиётга венчур, бонд, краудфандинг, стартап каби замонавий инвестиция воситалари ҳам кириб келди. Ҳозир бу муносабатлар ўнлаб ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Президентимиз буларнинг ҳаммасини тўғридан-тўғри амал қиладиган ағона қонунга биравлаштириб, Инвестиция кодексини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Бу кодекс инвестиция соҳасидаги барча қонун, қарор ва тартиб-таомилларни бир тизимга солиб, инвестицияларни рағбатлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим янгиликни эълон қилди — 2026 йилдан “Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” тамойили йўлга қўйилади. Бунда тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш вақтидаёқ электрон рақамли имзо берилади, банкда ҳисобрақам очилади, соҳага масъул давлат органларига хабарнома жўнатилади.

Мажбурий сертификатланадиган товарлар рўйхати 459 тага қисқартирилди. Рўйхат яна 288 тага қайтарилади.

Кўчат, минерал ўғит, пойабзал, чорва озуқаси каби санитария, ветеринария, карантин назоратида бўлган 32 тоифадаги маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификати бекор қилинади.

Умуман, маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш ҳамда уни баҳолаш билан боғлиқ миллий инфратузилма тўдан ислох қилиниб, халқаро стандартларга мослаштирилади. Бунда, энг аввало, сертификация ўрнига мувофиқликни декларациялаш амалиёти кенг жорий этилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тизими бутунлай трансформация қилинади. Бундан кейин назорат объекти тадбиркор эмас, балки бевосита маҳсулотнинг ўзи бўлади.

Мулоқотда қайд этилган имкониятлар бугунданқоңча қиритиш қайд этилди.

Президентимиз булар катта марралар экани, юртимиздаги бугунги тадбиркорлик руҳи билан унга эришиш мумкинлигини таъкидлади.

Тадбир очик мулоқот тарзида давом этди. Марказий ва худудий студиялардан қатнашган тадбиркорлар ўз фикр ва таклифларини билдирди. Муаммолар муҳокама қилиниб, улар бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 18 августдаги фармонида мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини ошираётган, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган бир гуруҳ тадбиркорлар фахрий ўнволлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Янги Тошкентда мазкур мукофотларни топшириш маросими бўлди.

— Бугунги маросимда етакчи тадбиркорларни, жамиятимизнинг энг илгор вакилларини кўриб турганимдан хурсандман. Бу соҳада катта ислохотларни бошлаганимизда иқтисодчиларда ҳам, тадбиркорларнинг ўзида ҳам қандайдир қўрқув бор эди. Лекин ишонч билан, шижоат билан имконият яратишдан тўхтамадик. Мутасаддиларни тадбиркорларни эшитишга мажбур қилдик. Бу ўз натижасини берди, давлат билан тадбиркорлар ўртасида ишонч ошиб борди. Бутун жамият тадбиркорга дўст бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимиз тадбиркорлари янги ғоя ва ташаббуслари билан барча тармоқларни олға тортаётгани, улар билан биргаликда катта-катта дастурлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

— Биз тадбиркорликка шароит яратдик, улар давлатга елкадош бўлди. Утган 4-5 йилда 7,5 миллион аҳолининг бандлиги таъминланди. Бу йилнинг ўзида 3 миллиондан зиёд

иш ўрни очилди. Инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаганимизда бундай натижалар бўлармиди, — дея таъкидлади Президент.

Албатта, тадбиркорларсиз бунга эришиб бўлмасди. Бутун иқтисодиётнинг турли тармоқларида, айниқса, қишлоқларда аҳолини даромадли қилишда улар ҳаракатлантирувчи куч бўлаётди. Юз минглаб ёшлар, хотин-қизларни касб-хунарли қилиш, тадбиркорликка ўргатиш тажрибаси ҳам тадбиркорлар билан ҳамкорлик маҳсули.

— Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонларнинг янги авлоди шаклланиши — бу бизнинг катта бойлигимиз ва ютуғимиз, — деди Президент. — Чунки ҳар бир тадбиркор инсон ўз ортидан ўнлаб одамни эргаштиради, уларга иш ўргатади, ишли, даромадли қилади, жамият ҳаётига янгилик олиб қиради. Сизларни Янги Ўзбекистон қаҳрамонлари, десак, арзийди.

Президентимиз ташаббуси билан шаклланган эзу аънаанага мувофиқ, ҳар йили илгор тадбиркорлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиб келмоқда. Бу йил номзодларни танлашда ўз соҳасида барчага ўрнак бўлиб, аниқ натижага эришган, ишлаб чиқариш ва экспорт орқали худудлар, бутун мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маросимда давлатимиз раҳбари ушбу мукофотларни тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар соҳани доимий қўллаб-қувватлаётгани ва меҳнатларига юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, зиёлилар иштирок этди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Янги Тошкентдаги бунёдкорлик лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Бу шаҳар қурилишига 2023 йилда тамад тоши қўйилган эди. Бугунга келиб илк иншоотлар қад кўтариб қолди. Бунёдкорлик учун Юқори Чирчик ва Ўрта Чирчик туманларидан 19 минг 700 гектар ер ажратилган. Лойиҳанинг концепцияси Буюк Британиянинг “Cross-works” компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Биринчи босқичда 6 минг гектар майдонда иншоотлар қурилиб, 600 минг аҳоли учун замонавий шароитлар яратилади. Лойиҳа тўлиқ ақунланганда 2 миллион нафар одам яшайдиган маконга айланади.

Бу рақамлар худуддаги бунёдкорлик қўлами нечоғлиқ катта эканини кўрсатади. Инфратузилма шунга яраша сифатли ва узоқ муддатли бўлиши лозим. Шу боис, ҳозирги кунда шаҳарнинг “тағи” — ерости муҳандислик тармоқлари қурилмоқда.

Хусусан, бир ва икки секцияли коллекторлар ётқизилляпти. Улар орқали марказлашган иссиқлик ва сув қўвурлари, электр энергияси, телекоммуникация каби барча муҳандислик тармоқлари ер остидан ўтказилади. Шунингдек, транспортларнинг эркин қатнови учун туннеллар ва ерости турароҳлари барпо этилади.

Ҳар бир лойиҳада замонавий ёндашув, мукаммал ечим ва яшиллик эътиборга олинмоқда. Хусусан, экологик тоза транспорт тизими ташкил этилади. Метро ва электробуслар ҳаракати мувофиқлаштирилади. Пиёдалар ҳамда велосипедчиларнинг тўқсиз ва хавфсиз ҳаракатланиши учун кенг қўлайлик яратилади. Худудга 60 дан ортиқ давлат идоралари учун маъмурий бинолар барпо этилади. Бугунги кунда ўндан ортиқ вазирилик ва идора-лар шу ердаги вақтинча ташкил этилган объектларга фаолият бошлаган.

Давлатимиз раҳбарига яқин истиқболда кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Шаҳарга кўлаб маҳаллий ва хорижий инвесторлар қизиқиш билдирмоқда. Бугунги кунда аукционда сотилган 13 та тижорий лотлар бўйича 554 миллион долларлик инвестиция шартномалари тузилган.

Бу ерда қад ростлайдиган меҳмонхона ва рестороанлар, ўзига хос дизайнли муҳташам бинолар ташриф буюрувчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатиши билан бирга шаҳарнинг туризм марказига айлантириши шубҳасиз.

Худуддаги қурилиш жараёнида 160 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади. Келажақда эса шаҳарда инновацион технологияга асосланган, юқори даромадли юз минглаб доимий иш ўрни бўлади. Бунинг учун янги таълим ва тиббиёт кластерлари, ахборот технологиялари хизматлари ва технопарклар ташкил этилади.

Президент лойиҳаларга инвестициялар жалб этиш, дам олиш жойлари ва хизматларни қўлай йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Иқром АВВАЛБОВЕВ, ЎЗА мухбирлари



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

“ИСЛОҲОТЛАР ШТАБИ” ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА СИФАТИДА ТУМАНЛАРНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРАДИ



“Жорий йилнинг январь-июль ойларида штабнинг фаоллиги билан 57 мингдан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланди. Шундан қарийб 27,5 минг нафари доимий иш билан таъминланди. 29,5 мингдан ортиғи эса тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинди.

навбатига, худудда камбағалликдан чиқаришга қисқаришига ҳам замин яратди. Шунингдек, камбағал оилаларга ссуда, субсидия, имтиёзли кредит ажратилди.

Жумладан, жорий йилнинг январь-июль ойларида штабнинг фаоллиги билан 57 мингдан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланди. Шундан қарийб 27,5 минг нафари доимий иш билан таъминланди. 29,5 мингдан ортиғи эса тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинди.

Рақамлардан ҳам ишлар жадал суръатда олиб борилаётганини билиш мумкин. Режа-лар эса ундан ҳам залварли — **июль-декабрь ойларида 115 мингдан зиёд аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаб, юқорида айтиб ўтганимдек, шу йил якунига қадар Чилонзор туманини ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантиришни мақсад қилганмиз.**

Аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ҳам туманимизда давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Йил бошидаги ҳолатга кўра, 19 минг 900 нафар киши камбағаллик ботқоғига ботган, ўз навбатида, камбағаллик даражаси 7,2 фоизни ташкил этган бўлса, биринчи ярим йилликда камбағаллар сонини 7,5 мингга, шунга мос равишда **камбағаллик даражаси 2,2 фоизга туширилди.**

Хўш, бунга қандай эришилди? Албатта, тўғри йўлга қўйилган тизим, хусусан, штаб аъзоларининг ҳар бир камбағал оила вакиллари муаммоси билан индивидуал шугулланиб, керакли тавсия ва кўмак берилгани бунга асос бўлди. 2025 йил декабрь ойига-ча тумани камбағалликдан холи худудга айлантириш вазифасини ўзимизга мақсад қилганмиз.

Айниқса, аҳоли муаммоларини ўрганиб, жойида ҳал этиш ҳамда тўлақонли ечимини топишда “Ислохотлар штаби” вакиллари

давомида маҳаллаларда аниқланган 154 муаммодан 44 таси ҳал этилди, 110 тасининг ечимини топиш юзасидан тегишли чораларни кўраппиз. Муаммолар ечимига 116 миллиард сўм маблағ йўналтириш белгилаб олинди.

Мисол учун, “Бектўпи” МФЙдаги 38-оилавий поликлиникада тиббий текширувлар ўтказиш ва даволашниш учун шарт-шароитлар етарли эмаслиги ҳамда поликлиника биноси маънан эскиргани бўйича маҳалла аҳолиси-дан қўлаб мурожаатлар келиб тушди. Фуқаролар талабларини инобатга олган ҳолда янги бино қуриш ҳамда зарур меҳбел ва техника-лар билан жиҳозлаш учун бюджетдан 35 мил-лиард сўм ажратилди. Ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетте маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 300 миллион сўмга “Бешқўрган” МФЙ худудидида 40 дан ортиқ хонадон мар-казий оқова сув тармоғига уланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, асосий эътибор аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш,



“Ислохотлар штаби” вакиллари, аввало, ишни ишсизларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни тоифаларга ажратган ҳолда иш билан таъминлаш ёки банклар филиаллари билан ҳамкорликда бизнесини бошлашга қўмаклашишдан, зарур ҳолларда эса айрим юрдошларимизни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишдан бошлади.

томонидан ҳар икки кунда маҳаллаларда сайёр қабуллар ташкил этиш, ҳафтанинг пайшанба кунлари эса маҳалла фуқаролари билан тадбиркорлар учрашувини ўтказиш йўлга қўйилгани қўл келяпти. Қабуллар

яъни ўқиш ва касбга йўналтириш, банд-лигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш орқали яшаш шароитини янада яхшилаш, турмуши фаровонлигини оши-ришга қаратилмоқда. Жумладан, туманда



хорижий инвестициялар иштирокида фао-лияти йўлга қўйилаётган санаят корхона-лари, меҳмонхона ва бошқа бунёдкорлик

маркази қурилмоқда. Ушбу лойиҳалар 1,5 мингдан зиёд кишининг бандлигини таъ-минлашга замин яратиши билан аҳамиятли.

Аҳоли ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун уларга ишлаш, яшаш, дам олиш, соғлигини тиклаш, таълим олиши учун керакли шарт-шароитлар яратиб беришнинг ўзи қифоя. Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари айни шу мақсадда амалга оширилмоқда.

Жумладан, туманимиз аҳлининг мароқ-ли ҳордиқ чиқариши учун Ал-Хоразмий, Заргарлик, Қатортол, Чўпонота, Чилонзор, Арнасой ва Муқимий кўчаларини 24/7 кў-часига айлантириш ҳамда Бўрижар, Бўзсув ва Анҳор каналлари қирғоқларини ободон-лаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу масканлар юрдошларимизнинг энг сеvimли гўшаларидан бирига айланиши баробарида пойтахтимиз чиройига чирой қўшиб, туризм салоҳиятини янада орттиради. Бюджетта қў-шимча тушумлар манбан яратилди.

Бу худудларда турли рестороан, кафе, меҳмонхона каби хизмат кўрсатиш шохоб-чалари фаолияти йўлга қўйилиши ортидан 4,5 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил эти-лиши кутилмоқда. Бу рақамга алоҳида ургу бераётганимизнинг сабаби бунёдкорлик иш-ларини олиб боришда бош-қош бўлаётган янги тузилма — “Ислохотлар штаби” аъ-золарининг туманимиздаги қизғин фаолияти минглаб оилаларга фаровонлик, туманимиз-га иқтисодий барқарорлик олиб келяпти. Де-мак, буларни янги ташаббусларнинг натижаси, фидойи масъулларнинг меҳнати самараси дейиш мумкин.



2025 йил 21 август, 170-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Муносабат

“

Бу йилги учрашувга янада қизғин тайёргарлик кўрилди, тадбиркорлар томонидан билдирилган таклифлар кўлами ҳам анча катта. Анжуманга тайёргарлик давомида 26 та соҳанинг 7 мингга яқин вакили билан алоҳида-алоҳида учрашувлар ўтказилди. “Колл-марказ” орқали 13 мингдан зиёд мурожаат ва ташаббуслар келиб тушган. Давлатимиз раҳбари бу йил ҳам тадбиркорлик фаолиятига янада кўп қўлайлик яратишга қаратилган мутлақо янги ташаббусларни илгари сурди.

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида “Бугун шунинг фахри билан айта оламизки, юртимизда яратилган ҳар бир иш ўрни, қад кўтарётган ҳар бир корхона, халқимиз оғирини енгил қилаётган ҳар бир хизмат, экспорт бўлаётган ҳар бир маҳсулот — сизнинг жасорат билан қилаётган меҳнатингиз, ташаббус ва илганишингиз маҳсулидир”, дея таъкидлагани қалбларни

янада тўқилантиргани шубҳасиз. Ахир мамлакат Президентининг ўзи тадбиркорларни қўллаб, уларга рағбат бериб турибди. 2021 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган очик мулоқот доирасида тадбиркорларни ўйлантираётган масалалар муҳокама қилиниб, соҳа ривожига хизмат қиладиган фармон ва қарорлар, янги лойиҳа ва ташаббуслар бизнес эгалларининг ўзлари билан маслаҳатлашган ҳолда қабул қили-

наётгани ҳам алоҳида эътибор ифодаси. Илк очик мулоқотдан буён шу кунгача тадбиркорларнинг мингга яқин ташаббуси қонунчиликда ўз аксини топгани бунинг исботи. Бу йилги учрашувга янада қизғин тайёргарлик кўрилди, тадбиркорлар томонидан билдирилган таклифлар кўлами ҳам анча катта. Анжуманга тайёргарлик давомида 26 та соҳанинг 7 мингга яқин вакили билан алоҳида-алоҳида учрашувлар ўтказилди.

“Колл-марказ” орқали 13 мингдан зиёд мурожаат ва ташаббуслар келиб тушган. Давлатимиз раҳбари бу йил ҳам тадбиркорлик фаолиятига янада кўп қўлайлик яратишга қаратилган мутлақо янги ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, давлат улуши бўлмаган корхоналарга экспортда муддатли ўтган қарздорлик учун жарима ҳисоблаш ва ундиришга бир йиллик мораторий эълон қилинадиган бўлди. Корхонасига ташқи

инфратузилмани ўз ҳисобидан қилаётган тадбиркорларнинг бу харажати солиқ базасидан чегириб ташланади ва ҳоказо. Умуман, тадбиркорликнинг кўплаб йўналишларида қатор енгиллик ва имтиёзлар берилиши эълон қилинди. Бу айтиш шунинг ташаббусларни кутган, бунга ишонган юртимиз ишбилармонларини чексиз қувонтирди. Давлатимиз раҳбари очик мулоқот давомида мамлакатимиз бизнес вакилларини Тадбир-

корлар куни билан табриклаб, ўзининг чуқур ва самимий миннатдорлигини изҳор қилди. Уларнинг бир гуруҳига юксак давлат мукофотларини топширди. Юртимиз ишбилармонлари кўксига тақилган бу мукофотлар Президентимизнинг уларга билдирган ишончи рамзи, халқимиз ва жамиятимиз олдидаги масъулияти нишонаси, янги Ўзбекистон тараққиёти йўлидаги фидойилиги тимсолидир.



ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАНМИЗ

Тадбиркорлар куни арафасида давлатимиз раҳбарининг фармони билан бир гуруҳ ишбилармонлар қаторида юксак мукофотга лойиқ топилганимни эшитиб, албатта, жуда қувондим. “Шухрат” медали билан тақдирланганим мен учун катта шараф ва масъулиятдир. Ушбу давлат мукофоти нафақат шахсий фаолиятим, балки бевосита “Raxtakor Tekst” МЧЖда меҳнат қилаётган юзлаб ишчи-ходимларимизга берилган юқори баҳонинг амалдаги ифодаси деб биламан.



Илҳомжон АБДУРАҲМОНОВ, Жиззах вилоятидаги “Raxtakor Tekst” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, “Шухрат” медали соҳиби

Тадбиркорга ишонч, рағбат берилса, фаолияти ривожланиб бораверади. Бу мамлакат тараққиёти, одамлар турмуш фаровонлигига ҳам таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити бунинг яққол исботи. Тадбиркорлик фаолиятига яратилган кенг имкониятлар, солиқ ва молиявий имтиёзлар, ҳуқуқий қафолатлар биз — хусусий сектор вакилларига беқийс ишонч ва рағбат бағишламоқда.

Айниқса, янги Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилиб, ўзбек пахтасига жаҳон бозоридagi бойкотнинг беқор қилиниши мамлакатимизга ҳаётидаги тарихий воқеалик бўлди. Энди нафақат пахта етиштирувчи, балки уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида экспорт қиладиган йирик давлатлардан бирига айландик. Ўзбек пахта-тўқимачилик санаотининг янги даври бошланишига қўлмай, қисқа муддатда катта ривожланишга юз бурди. Бугун соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар жаҳон бозорида бемалол рақобатга киришмоқда.

Соҳадаги илдамлаш, яратилган имконият ва берилган имтиёзлар мени ҳам ҳаракатга ундади. 2018 йилда Пахтакор туманида ип-калага ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Raxtakor Tekst” МЧЖ корхонасига асос солдим. Швейцария, Япония, Туркия, Ҳиндистон давлатларидан сўнгги русумдаги усуналар, Швейцариянинг “Uster” бренди остидаги лаборатория қурилмалари олиб келинди. Биринчи ва иккинчи босқичда йилгига 8 минг тонна ип-калага маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 735 нафар киши иш билан таъминланди. Учинчи ва тўртинчи босқичларда эса умумий қиймати 26 миллион долларга тенг тўқув-бўёқ фабрикаси ишга туширилиб, 600 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда корхонада 8,1 минг тонна ип-калага, 7 минг тонна бўйланг мато маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти. Маҳсулот турларини йилдан йилга кенгайтириб борапмиз. Экспорт ҳажми ҳам ошмоқда. Утган йили қиймати 300 миллиард сўмдан ортиқ

маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 10 миллион долларлик товар хориж давлатларига экспорт қилинди.

Юртимизда 2017 йилдан кластер тизими жорий этилган, биз ҳам пахта-тўқимачилик кластери ташкил этишга қарор қилдик. Бойси, бу тизим кўп жиҳатдан афзалликларга эга бўлиб, тайёр маҳсулот учун хомашёни ҳам ўзимиз етиштиришимизга имкон беради. Бугунги кунда кластеримизга 11 минг 200 гектар пахта экин майдони бириктирилган. Унда 478 та фермер хўжалиги билан фючерс шартномалари тузилган бўлиб, биргаликда қарийб 30 тонна пахта хомашёсини етиштиришга эришяпмиз.

Вилоятимизда жорий йилдан бошлаб тажриба-синов тариқасида гени ўзгартirilган, касаллик ва зараркундаларга ҳамда гербицидга чидамли хорижий (Хитой) гўза навлари экилиб, ўртача ҳосилдорликини 43 центнерга етказиш белгиланган. Бунинг учун энг илғор технологиялардан фойдаланилапти. Ана шу маррани кўзлаб меҳнат қилаяпмиз. Ҳозир гўзалар яхши парваришланмоқда, насиб қилса, ўйлаган ҳосилни оламиз. Бу даромадни янада оширади. Қолаверса, тадбиркорлигимиз кўп тармоқли бўлиб, 240 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда нон чеҳи ҳам халқимизга хизмат кўрсатяпти.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимига киришган илк кунлариданоқ биз, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эркин ва самарали фаолиятимиз учун зарур шароитларни яратиш, қийнаётган масалаларимиз ечимига кўмаклашиш, айниқса, фаолиятимизга асоссиз аралашувларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаб ўтиш ўринли.

Илк бор 2021 йилнинг 20 август куни тадбиркорлар билан учрашиб, қарийб олти соатдан зиёд мулоқот қилгани ҳамон ёдимда. Унда таклиф ва ташаббусларимизни ҳам тингладим. Шу сана мамлакатимизда Тадбиркорлар куни деб эълон қилинди. Шундан бери бу кун юртимизда ҳар йили кенг нишонланмоқда.

Айниқса, биз бу санани орийқиб кутамиз. Давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган очик мулоқотда янги масалалар ўртага ташланиб, фаолиятимизни янада ривожлантирадиган кўплаб янги имтиёз ва енгилликлар берилди. Фаол тадбиркорларни давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари билан тақдирлаш ҳам бизга билдирилган катта ишонч, кўрсатилган эътибор белгисидир.

Ҳеч шубҳасиз, бу мукофотлар тадбиркорларга нафақат моддий, балки маънавий қувват беради. Шахсан ўзим ҳам шу пайтгача давлат мукофотлари билан тақдирланган тадбиркорларга ҳавас билан қарадим. Бугун эса мен ҳам уларнинг сафида эканимдан ғурурланаман. Бу мен учун катта шараф экани билан бирга юксак масъулият ҳамдир. Ушбу эътироф янада олға интилиш, тадбиркорлик соҳасида янги ютуқларга эришиш, инновацион гоаяларни ҳаётга таъбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш, юрдошларимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишга ундайди.

Бугун жуда катта шараф ва ғурур билан сўзлаяпман. Президентимиз фармонига биноан “Шухрат” медали билан тақдирланганим улкан ифтихор, албатта. Билдирилган ишонч, муносиб кўрилган мукофот нафақат фахр, балки катта масъулият ҳамдир. Бу архитектура ва қурилиш соҳасидаги фаолиятимни янада ривожлантириш, юртимиз учун кўплаб манфаатли лойиҳаларни амалга оширишда катта куч бағишлайди.

ЮРТИМИЗ МЕЪМОРЧИЛИГИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚЧИМАН

Дилноза ҲОЗИЕВА, “PERFECT DESIGN ARH” МЧЖ директори, “Шухрат” медали соҳиби

Шу кунгача пойтахт архитектурасидан муносиб ўрин топиш учун меҳнат қилар эканман, доим ўзимга ўзин ҳеч нарсадан қўққиш керак эмас деб ўқитаман. Зеро, астойдил ният қилинса, инсон барча мақсадига эришади. Бошлангич синфда ўқитганимда “Архитектор бўламан”, деганман. Шунда ўқитувчим “Бу сўзнинг маъносини онангдан сўраб кел. Касбингни ўзинг тушуниб танлаясанми?” деган. Онам эса дафтарга чиройли қилиб “меъмор” деб ёзиб берган. Меъмор уларнинг, катта-катта биноларнинг чизмасини чизишни тушутирган.

1985-йилларда “Саодат” журнали муқовасида Тўлқноий Қодирова деган архитектор аёлининг сурати чиққан. Тоғам шу суратни кўп бор кўрсатиб, “Менинг жияним ҳам мана шундай архитектор бўлади”, дерди. Шу билан танлаган касбимга қизиқишим янада ортиб, қарорим қатъийлашиб борди. Ният ҳолис, мақсадим аниқ экан, архитектор бўлдим.

Авалгига хусусий лойиҳалаштириш фирмаларида ишлаб, 2005 йилда “PERFECT DESIGN ARH” масъулияти чекланган жамиятини очдим. У пайтларда лойиҳалаш ишлари учун лицензия олиш керак эди. Махсус комиссия талабгорнинг касбга лойиқлигини аниқлаб берарди. Комиссия аъзолари мен билан



бирга суҳбатга кирган курсдошим иккимизни “Булар жуда ёш, дизайн билан шугуллансин” деган қарорга келди. Нима қилишни билмай қолдим, бироқ ўзимда куч топиб “Бизга имконият беринг”, дедим. Лицензия берилди. Илк лойиҳаларимиздан бири — Амир Темури кўчасидаги кичик ҳалқа йўли кесилишунда жойлашган “Orient бизнес” маркази (ҳозир UzOman Бизнес маркази) лойиҳаси бўлиб, биринчи ўринга лойиқ топилган.

ИМКОНИАТЛАР БИСЁР, БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

Бошқа давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам йил сайин чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ошиб борапти. Бу эса мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган тадбиркорларга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор берилишини тақозо этади. Шу маънода, кейинги йилларда чорвачиликка ихтисослашган кўп тармоқли фермер хўжаликлари давлатимиз томонидан молиявий қўллаб-қувватланишга ва натижада соҳа ривожига ихобий таъсир кўрсатиб, янги иш ўринлари яратишга, айни йўналишда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига хизмат қилмоқда.



Муртазохон ДАДАХОНОВ, Косонсой туманидаги “Осмон сайёраси” фермер хўжалиги раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳиби

Қувонарлиси, юртимизда банк кредитлари эвазига хориждан мол олиб келиб, аҳолини чорва моллари, сут маҳсулотлари билан

таъминлашда ўзига хос тажриба орттирилди. Хусусан, бизнинг “Осмон сайёраси” фермер хўжалиги ҳам бу имкониятдан кенг фойдаланмоқда. Фаолиятимиз асосан чорвачилик билан боғлиқ бўлгани беқар, четдан насли мол олиб келиб боқамиз. Австриядан 88 бош симментал, Голландиядан 165 бош голштейн, Германиядан 105 бош швиц зотли молларни сотиб олиш билан бирга сут соғиш ускуналарини ҳам олиб келганмиз. Чорвачиликка қизиққан, шунинг ортидан даромад қилиш истагидagi аҳоли хонадонларини насли чорва моллари билан, бузоқлар билан таъминлаётганимиздан хурсандимиз.

Маҳсулдорлиги, сутининг ёғиллик даражаси юқори бўлган бундай молларни иқлим шароитимизга мослаштириш, соғиларини мунтазам назорат қилиб боришда бизга туман ветеринария ходимлари яқиндан кўмак беради. Кунига 8 тонна сутни қайта ишлаб, халқимизга 12 турдаги экологик тоза сут маҳсулотларини етказиб берамиз. Албатта, бу шунчаки бизнес эмас. Жониворлар тадбиркорини ҳар томонлама “ҳаракатга келтиради”. Зотдор молларни озиқлаш озуқа ҳам талаб қилади-да. Тайёр сифатли сотиб олишга эса кўп маблаг сарфлашингиз керак. Узингиз етиштирсангиз, ҳам ишончли ем, ҳам барака бўлади. Шунинг



учун 157 гектар ер майдонимизда чорва учун макка силоси, беда, сенаж, сомони ҳаммағариб оламиз. Қишлоқнинг ғамини емаган одам чорвадор эмас деб биламан. Зеро, чорвани қишдан бетабофот, мўл озуқа билан олиб чиқиб чорвадорнинг нечоғлиқ узоқни қўлга олиши, тажрибали эканидан далолат.

Аслида, бутун тадбиркорлар анча тажрибали, шижоатли. Ишлабман дегани давлатимиз қўллаяпти. Ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Барча шароит бор. Фақат ҳалол меҳнат қилиш керак. Яхши тадбиркор бўлишда ҳам ҳалоллик муҳим омил. Зеро, одамларнинг ишончини оқласанга, тадбиркорнинг юзи ёруғ, иши унумли бўлади. Бундан ташқари, қўл остидаги ишчиларнинг шароитидан бохабар бўлиб, иш ҳақини вақтида бериб туриш ҳам ишчи кучини доимий ушлаб туришининг энг муҳим жиҳатларидан.

Айни пайтда фермер хўжалигимизда 38 киши чорвачилик йўналишида, 16 киши сутни қайта ишлаш цехида меҳнат қиляпти. Ишчиларнинг аксари ёшлар. Уларнинг чорвачиликка меҳр қўйиб, жониворларнинг тилини топаётгани, эътибор билан маҳсулот тайёрлаётганини кўриб хурсанд бўламан.

Юқорида айтганимдек, бунинг учун барча йўллар очик. Давлатимиз тадбиркорларга имтиёзлик кредитларни бераётган бир пайтда ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. Халқ банкининг 3,5 миллиард сўм кредити эвазига онлайн тарзда мол олиб келганимиз, чорва сони икки қарра кўпайгани бунинг амалдаги ифодаси. Бугун банклар томонидан ажратилаётган кредитлар орқали насли бузоқларни халқимизга етказиб бераётганимиз, сотиб олганлар раҳмат айтаётгани бизни фақат ва фақат янги мақсадларга руҳлантиради.



ТАҚДИМОТ

УМУМІЙ МАҚСАДЛАР САРИ ЙЎЛ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) давлат раҳбарлари кенгашининг жорий йил 31 август — 1 сентябрь кунлари Тяньцзинь шаҳри (Хитой)да бўлиб ўтадиган 25-йигилиши муносабати билан “Ўзбекистон стратегияси” журналининг Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик муносабатлар, шунингдек, ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликка бағишланган махусус сони тайёрланди. “Тараққиёт стратегияси” марказида Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ушбу нашрнинг тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари вакиллари, таҳлил марказлари экспертлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо ҳамкорларидан. Ундан келаётган инвестиция, асосан, энергетика, инфратузилма, транспорт ва саноат соҳаларига йўналтирилган. Мисол учун, йирик транспорт ва логистика лойиҳалари бўйича биргина 2024 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 12,4 миллиард доллардан ошди. Шу билан бирга, Хитойнинг Ўзбекистондаги тўғридан тўғри инвестициялари 10 миллиард доллардан зиёд.

Бугун мамлакатимизда энергетика, телекоммуникация, транспорт, кончилик, тўқимачилик ва рақамли инфратузилма каби муҳим тармоқларда 3300 дан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида муҳим минтақавий шерик сифатида фаол иштирок этмоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик турли халқаро платформалар,

қатор келишув, концепция, дастур ва бошқалар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти аъзо мамлакатлар ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича умумий принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, махусус иқтисодий зоналар альянсини ташкил этиш, ШХТ давлатлари савдо ярмаркасини ўтказиш каби йўналишларда ўзаро мулоқот, тушуниш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган тақдирларни билдириди.

Икки давлат ўртасидаги манфаатли стратегик шерикликнинг бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бориши, ШХТ доирасидаги сиёсий-дипломатик мулоқот, савдо-иқтисодий алоқалар, маданий-гуманитар, илмий-техникавий алмашинувлар, минтақавий ҳамда глобал хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги фаолият янада мустаҳкамланиши шубҳасиз.

Журнал мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик, шунингдек, ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишларига бағишланган. Минтақавий ҳамкорликка оид замонавий таҳлиллар, экспертлар фикрлари ва амалий тажрибалар қамраб олинган. Ўзбекистон ва Хитойнинг тегишли вазирликлари раба-

“Икки давлат ўртасидаги манфаатли стратегик шерикликнинг бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бориши, ШХТ доирасидаги сиёсий-дипломатик мулоқот, савдо-иқтисодий алоқалар, маданий-гуманитар, илмий-техникавий алмашинувлар, минтақавий ҳамда глобал хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги фаолият янада мустаҳкамланиши шубҳасиз.

жумладан, БМТ, ШХТ, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги ва бошқалар доирасида ривожланиб бормоқда. Икки давлат ШХТнинг ҳаммуассасилари ва фаол аъзолари сифатида ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янада самарали ташкил этиш юзасидан доим аниқ тақлиф ва ташаббусларни илгари сузмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ташкилотга раислик қилувчи давлат сифатида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисларига тўрт мартаба меъзонлик қилган. Уларнинг сўнгисини 2022 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Мазкур саммит якуналари бўйича рекорд даражада — 44 та ҳужжат, жумладан,

рияти ва етакчи тадқиқот муассасалари экспертлари тайёрлаган таҳлилий материаллар нашрдан ўрин олган. Журнал ўзаро ҳамкорликни янада чуқурроқ тушунишга хизмат қилади.

Тадбирда экспертлар сўзга чиқиб, журнал тақдими ШХТнинг муҳим тадбири арафасида ўтказилиши минтақадagi сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганидан далолат эканини таъкидлади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тараққиёт одимлари

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПАЁТГАНЛАР

Нукус шаҳри Чегарачилар кўчасидаги хонадонлардан бирида истиқомат қиладиган Минайхан Ганиеваннинг асл касби — ўқитувчилик. Ўттиз беш йилдан бўён ёш авлодга таълим-тарбия бериб келади. Шу билан бирга, томорқасида дехқончилик ҳам қилади. Опа томорқада олма, олхўри, шафтоли дарактларини парваришлайди, помидор, бўлғор қалампли, бодрил ҳам етиштиради. Ҳосилнинг рўзғордан ортганини қариндошларига тарқатади. Умуман, ушбу ҳудудда томорқага алоҳида қувур орқали сув етказиб берилиши ҳам қўлай имконият.

Қорақалпоғистондаги шаҳар ва қишлоқларда Минайхан сингари томорқадан самарали фойдаланаётганлар сафи кенгайиб борапти. Биргина Нукус шаҳрининг ўзида Сайхунбод тажрибаси асосида гулчилик, паррандачилик, асарчиликни йўлга қўйишни ўргатиш мақсадида ташкил этилган ўқув семинарида 2400 га яқин хотин-қиз иштирок этди. Фақат маъруза билан чекла-

нилмади, аксинча, зироатчиликнинг амалий жиҳатлари ҳам ўргатилди. Бундай чора-тадбирлар уй шароитида даромад топиш имконини беради. Масалан, ҳудуддаги Бўзовул, Кўшбулоқ, Кўк Ўзақ, Гузар, Тўнғич кўнис, ва Кутли макон маҳаллаларида кўзқорин етиштириш йўлга қўйилган.

Шунингдек, Зарбдор тажрибаси асосида бешта маҳалла саноат ва хизмат кўрсатиш

соҳаларига ихтисослаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бунинг учун турли манбалар ҳисобидан 53,4 миллиард сўм ажратилди ва йил якунига қадар 295 та янги иш ўрни очилди.

Президентимизнинг “Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги

қарорида 2025-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсади кўрсаткичлари белгила берилган. Жумладан, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан Қорақалпоғистонда рўйхатдан ўтти, ушбу ҳудудда 12 ойдан ортиқ фаолият юритаётган



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ҳамда бир йилда камида 10 кишини доимий иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектларига ўтган йил якуналари бўйича жами даромадининг 50 фоизигача миқдорда улуш киритиш шаклидаги молиявий ёрдам кўрсатилади.

Қолаверса, 2025 йил якунига қадар Хитой тажрибаси асосида Камбағаллик ва меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази 5 гектар ерда камида 5 сотихли иссиқхона ҳўжаликларида иборат мажмуа барпо этилади. Захирадаги қишлоқ ҳўжалиги мўлжалланган 5 гектар сўғориладиган ер участкаси 49 йилга ижара ҳуқуқи асосида Камбағаллик ва меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш марказига ажратилади. Сўнг камбағал оилалар реестрига киритилган оилалардан талабгорлар аниқланиб, иссиқхона ҳўжаликлари 2 йил муддатга ижара шартномаси асосида фойдаланишга топширилади. Ижара муддати тугагандан сўнг ер яна бошқа камбағал оилаларга ижара асосида берилади.

Беруний туманидаги “Озод интенсив боғ” фермер ҳўжалигидаги 10 гектар боғда олма, узум, шафтоли ва нок етиштирилмоқда. Замонавий томчилатиб сўғориш тизими билан тўлиқ таъминлангани боддан оқилона фойдаланиш ва ҳосилдорликни ошириш имконини бермоқда. Ўтган йили ҳўжалик узумдан 40 тонна ҳосил олган. Бонис, фермер доим янгиликка интилади. Энг муҳими, илмий асосланган агротехник тадбирларни бажариш ва ҳар бир нави биологик хусусиятларини инобатга олиб парваришлайди. Шундагина маҳсулот хоризк бозорида ҳам муносиб баҳоланади, дехқоннинг меҳнати қадр топади.

Маҳалла ёшлари етакчиси лавозими жорий этилгани ушбу йўналишга оид қатор муаммоларни ижобий ҳал этишда катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга

кўмаклашишда ёшлар етакчиларининг кенг қамровли фаолияти алоҳида ўринга эга.

Амударё туманидаги “Фаровон” МФЙда инфратузилма жадал ривожланиб, номига муносиб обод ва фаровон бўлмоқда. Бугун маҳалладаги 642 та хонадонда 2534 киши яшайди.

— Ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги саяё-ҳаракатлар тўғрисида чорвачилик йўналишида ўзини ўзи банд қилиши учун 6 йигит-қизга имтиёзли кредит ажратилди, — дейди Фаровон маҳалласидаги ёшлар етакчиси Шохрух Рўзमतов. — Шунингдек, “Ёшлар дафтери” жамғармаси ҳисобидан 4 талабанинг тўлов-шартнома пули тўлаб берилди. Маҳалладagi 3 нафар ёшнинг ўқув курсларида замонавий касб-ҳунар ўрганиш харажати ҳам қоланди. Умуман, ўқийман, меҳнат қиламан деганга зарур ёрдам беришга тайёرمىз. Асосийси, одамнинг ўзида хоҳиш бўлиши керак.

— Уйда темирчилик устaxonасини очганман, — дейди маҳалла ёшларидан бири Асадбек Ялғошев. — Буюртма асосида темирдан ҳар хил буюмлар тайёрлаб бераман. Барибир ҳунарли бўлиш яхши-дан. Топаетган даромадим ёмон эмас. Бундан ташқари, уй ишларига ҳам улгураман.

Худуддаги Бону Тожимовага эса хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун 7 йиллик имтиёзли кредит ажратилди. Натигада бир неча хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланди.

Маҳалладаги етакчининг ёшлар қалбига йўл излаши, шу орқали муаммолар ечимини топиб, ўз вақтида бартараф этиши аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, йигит-қизлар ҳаётини ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қилади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲАР БИР БИТИРУВЧИ — МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС

Президентимиз раислигида жорий йил 8 август куни олий ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий алоқани кучайтириш, касбий тайёргарликни амалиёт билан уйғунлаштириш зарурлиги таъкидланди. Бу ташаббус, аввало, ёшларнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодиётига янги куч-қувват бериш демакдир.



Жамшид ШОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент

Шаҳрисабз давлат педагогика институтида ҳар йили юзлаб ёшлар турли йўналишда таълим олиб, орттирган билим ва кўникмасини амалиётга татбиқ этиб келмоқда. Хусусан, 2024/2025 ўқув йилида институтимизни 2021 талаба тамомлади. Битирувчиларнинг 1613 нафари хотин-қизлар бўлиб, 159 нафари ҳозир бола парвариши ва туғуруқ таштилида.

2024/2025 ўқув йилида битирувчиларимиз орасида иш билан таъминланганлар сони сезиларли даражада ортди. Жумладан, 1170 йигит-қиз ўз йўналиши бўйича иш бошлади. Уларнинг кўпи мутахассислиги доирасида таълим-тарбия, илм-фан ва бошқа соҳаларда меҳнат қилмоқда.

Ёш мутахассисларнинг аксарияти мактаблар, лицей ва коллежлар, таълим марказлари, маданият муассасалари каби муҳим масканларда фаолиятини бошлаган бўлса, бир қисми хусусий сектор ва олий таълим тизимида ўрнини топган. 82 битирувчимиз билимини ошириш мақсадида магистратура босқичида таълимни давом эттирмоқчи ёки иккинчи мутахассислик бўйича ўқимоқчи.

Бу кўрсаткич мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, таълим-тарбия тизимидаги изчил ислохотларнинг амалий самарасидан далолат беради. Айниқса, олий таълим муассасалари билан иш бевуричи ташкилотлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик, меҳнат ярмаркалари мунтазам ташкил этилиши, амалиёт базалари кенгайтирилиши битирувчилар бандлигини таъминлашда гоят муҳим.

Таълим тизимидаги ислохотлар, жумладан, олий таълим муассасалари билан меҳнат бозори ўртасидаги ҳамкорлик, битирувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, бандлигини таъминлашда катта ўрин тутмоқда. Институтимизда ушбу йўналишда ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Иш бевуричи билан учрашувлар, семинарлар ташкил этилиши, амалиёт базаларини кенгайтириш, маҳаллий ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани, меҳнат ярмаркаларини ўтказиш каби ташаббуслар тўғрисида битирувчилар ўз йўналиши бўйича иш топиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса ёшларнинг нафақат касбий тайёргарлигини ошириш,

балки иш билан таъминланиш даражасини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилапти.

Институтда ўтказилган “Карьера кунлари” меҳнат ярмаркаларида Қашқадарё вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, хусусий ўқув марказлари ҳамда турли ташкилотлар бўш иш ўринлари тақдиротини ўтказди. Меҳнат ярмаркаларида 92 битирувчи билан ишга жойлаштириш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Президентимизнинг 2025 йил 14 февралдаги “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ёшларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашда дастуриламал бўляпти. Ушбу қарор ёшларга нафақат иш ўринлари очиб, балки уларни меҳнатга йўналтириш, касбий жиҳатдан шаклланишини қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашмоқда.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у битирувчилар учун меҳнат бозорига кириш жараёнини соддалаштириб, янги имконият ва истиқболларни юзга чиқармоқда. Шу асосда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда “Ўзмилий-банк” АЖ ҳамкорлигида “Келажакка қадам” дастури амалга оширилмоқда. Мазкур дастур ёшларнинг билим ва салоҳиятини юзга чиқариш, орзуларини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

“Келажакка қадам” дастури доирасида ёшлар малакали мутахассислардан маслаҳат олиб, турли соҳа бўйича амалий кўникмасини ошириш имконига эга бўлади. Дастур битирувчиларнинг иш билан таъминланишини рағбатлантириш баробарида тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш ва инновацион гояларни ҳаётга татбиқ этишини қўллаб-қувватлайди.



Шу билан бирга, лойиҳа ёшлар орасида ижтимоий фаолликни ошириш, ўзини англаш ва шахсий ривожланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Би-

“2024/2025 ўқув йилида битирувчиларимиз орасида иш билан таъминланганлар сони сезиларли даражада ортди. Жумладан, 1170 йигит-қиз ўз йўналиши бўйича иш бошлади. Уларнинг кўпи мутахассислиги доирасида таълим-тарбия, илм-фан ва бошқа соҳаларда меҳнат қилмоқда.

тирувчилар нафақат меҳнат бозорида рақобатбардosh кадр сифатида шаклланади, балки уларнинг мустақил фикрлаш ва инновацион қарорлар қабул қилиш қобилияти ҳам ривожланади. Амалга оширилаётган ушбу дастур ёшлар учун амалий тажриба орттириш имкониятларини яратиб, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Жорий йил 24 март куни Шаҳрисабз давлат педагогика институту ва “Келажакка қадам” маркази ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамловчи меморандум имзоланди. Лойиҳа доирасида олий таълим муассасасининг битирувчи курс талабалари билан учрашувлар ўтказилиб, турли йўналишларда қисқа муддатли курслар тақдим этилди. Курслар назарий билим билан амалий кўникмаларни уйғунлаштирган ҳолда ташкил этилди. Бу эса талабаларнинг келажақдаги касбий фаолиятида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтказмоқда.

“Келажакка қадам” маркази ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаш ва амалиётга қўллаш имкониятини кенгайтириб, меҳнат бозорида рақобатбардosh кадрлар сифатида шаклланишига хисса қўшмоқда. Бу ташаббус битирувчиларни нафақат малака ошириш, балки тадбиркорлик ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишга ҳам ундайди, мустақил ҳаётга қадам қўйишини рағбатлантиради.

лойиқ деб топилди ҳамда 4 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Ушбу ташаббус битирувчиларни иш билан таъминлаш имконини яратиш баробарида ҳудуд иқтисодиёти ва меҳнат бозорига ҳам сезиларли хисса қўшди. Молиялаштирилган лойиҳалар орқали 47 та янги иш ўрни очилди. Бу эса ёшлар тадбиркорлигини ривожланиши ҳамда маҳаллий ижтимоий-иқтисодий фаоллик ошишига хизмат қилмоқда.

Мазкур ташаббус натижасида битирувчи мустанқил иш бошлаш, ўз ҳудудда иш ўринлари яратиш ва иқтисодий фаолликни оширишга ҳам хисса қўшмоқда. Шу тарика “Келажакка қадам” дастури амалий кўникма, тадбиркорлик тажрибаси ва молиявий имкониятини беришларини ҳолда ёшларнинг келажақдаги муваффақиятли фаолиятини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, марказ ҳузурида фаолият юритаётган бизнес инкубаторлар йигит-қизларнинг инновацион гояларини рағбатлантиради ва уларни бозор шароитида самарали иш юритишга тайёрлайди. Мутахассислар иқтисодий таҳлил, солиқ ва ҳуқуққа оид масалалар ҳамда бизнес бошқаруви бўйича фойдали маслаҳатлар бериб, ёшларнинг лойиҳалари самарали амалга оширилишини таъминламоқда.

Натижада марказ фақат фаолиятга йўналтириб қолмай, ёшларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлай имконият яратади. Айниқса, маҳаллий шароитга мос бизнес моделларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган лойиҳалар марказнинг устувор йўналишларидир.

Бугун шундай марказларнинг қўлайликларидан фойдаланган ҳолда ёшлар ўз бизнесини бошлаш, янги иш ўринлари очиб ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятига эга. Бу эса уларнинг келажақдаги муваффақиятли фаолияти ва тадбиркорлик салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ёш авлод таълим-тарбия, илм-фан ва ижтимоий ҳаётининг барча жаҳасида жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи кучдир. Йигит-қизларнинг билими, маънавияти ва ташаббускор бўлиб вояга етиши келажагимизнинг муҳим кафолати. Шаҳрисабз давлат педагогика институту битирувчилари бутун ҳаётининг турли жаҳасида фаолият юритиб, билим ва салоҳиятини амалиётда намоян этишмоқда. “Келажакка қадам” каби дастурлар эса ёшларнинг нафақат иш билан таъминланишига, балки касбий ва шахсий ривожланишига кенг йўл очмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи саҳифаларини ҳолис, атрофлича ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, юртимиз тараққиёти солномасида ўзидан ёрқин из қолдирган атоқли алломалар, адиб ва мутафаккирлар, машҳур ҳукмдор ва ҳарбий саркардаларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини илм-фан, адабиёт ва санъат воситалари орқали кенг ёритиш, шу тариқа ёшларимизни аجدодлар меросига ҳурмат ва садоқат, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИМИЗНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Эътиборли жиҳати, бу борада кино санъатининг таъсирчан ва жозибали кучидан унумли фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда 2024 йил 5 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги махсус қарори қабул қилингани ва ҳаётга жорий этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ушбу ҳужжатга асосан “**Тирик тарих**” деб номланган йирик лойиҳа доирасида миллий кино санъатимиз тарихида илк бор бадий, бадий-публицистик, қисқа метражли, ҳужжатли, анимацион фильм ва сериаллардан иборат жами 54 та киноасар яратиш устида кенг кўламли иш олиб борилмақда. Мазкур фильмларда халқимизнинг қадимий давлатчилик тарихи, бой маданиятимиз, азалий қадрият ва анъаналаримиз, дунё цивилизацияси раванқига унутилмас ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг серқирра ҳаёти ва бебаҳо меросини тўлақонли ақс эттириш асосий вазифа этиб белгиланган.

“Оламшумул фаолияти билан ўз даврининг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётига улкан таъсир кўрсатган буюк Амир Темур ҳақли равишда инсоният тарихидаги энг машҳур давлат арбобларидан бири, енгилмас саркарда, донишманд бунёдкор, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида эътироф этилади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бу йўналишда бошланган ишлар ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлаганини қайд этиш лозим. Утган йили “Баҳодир Ялангўш”, “Махтумқули Фирорий”, “Ажиниёз” бадийи фильмлари яратилиб, томошабинларга тақдим қилинди ва жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. Айни пайтда яна бир қанча картиналарни тасвирга олиш, монтаж ва овозлаштириш ишлари давом этмоқда.

Шу йил 20 август кунини пойтахтимиздаги “Renessans” кино уйида “Тирик тарих” дастури бўйича суратга олинган яна бир кенг қамровли киноасар — “**Улуғ Амир ва донна Мария**” тарихий-бадийи фильмининг жамоатчилик кўриғи бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли маданият ва санъат, жамоатчилик намояндалари, тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, хорижий меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кинематография агентлиги буюртмасига биноан “Ўзбекфильм” кинокомпанияи ҳамда Туркиянинг “Kangun” кинокомпанияси ҳамкорлигида суратга олинган мазкур фильмда Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг шу чоққада кўпчиликлга номаълум бўлган ибратли жиҳатлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Маълумки, оламшумул фаолияти билан ўз даврининг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётига улкан таъсир кўрсатган буюк Амир Темур ҳақли равишда инсоният тарихидаги энг машҳур давлат арбобларидан бири, енгилмас саркарда, донишманд бунёдкор, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида эътироф этилади.

Шу боис, улуғ аждодимиз ҳақида дунёнинг турли мамлакатларида кўпалаб илмий ва бадийи китоблар, пьеса ва фильмлар, тасвирий санъат асарлари яратилган. Ўзбек ва турк кино усталари томонидан суратга олинган янги фильмда ҳам Соҳибқироннинг ана шундай ибратли фазилатлари, “Куч — адолатда” деган ҳаётини таъминловчи қарор топириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, унинг табиятига хос бўлган беқиёс азму шижоат

билан бирга кечиримлилик, бағрикенглик, меҳр-оқибат сингари хусусиятлар таъсирчан бадийи воситалар орқали очиб берилган.

Таниқли адиб Хайриддин Султон адабий сценарийси асосида яратилган “Улуғ Амир ва донна Мария” бадийи фильми аввало мураккаб сюжет чизиги, мавзунинг оригинал тақлини, тарих ва бугунги кун воқеаликлариини уйғун ва муштарақ ҳолда бадийи ақс эттириши, драматик интригаларга бойлиғи билан томошабинлар эътиборини тортади.

Фильм воқеалари бир йўла икки параллел йўналишда шиддатли ривожланиб боради. Унда олис ўтмиш ва замонавий ҳаёт манзараларининг бетақдор тасвирлари бир-бирини табиий тарзда тўлдирди. Киноасарни томоша қилган матрифатли томошабин беихтиёр инсон руҳиятининг чексиз ва сирли сарҳадлари ҳақида, авлодлар ўртасидаги узвий ришталар, бу дунёда қачондир юз берган бирон воқеа-ҳодиса ҳеч қачон исиз кетмаслиғи ҳусусида фалсафий ўйларга толади.

Картинадаги асосий ролларни Жўрабек Арзиев, Элбек Файзиев, Кўпжурсин Алланазаров, Улмас Ҳраев, Зилола Искандарова, Баҳодир Болтаев (Ўзбекистон), Закиржан

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Саёҳат, саломатликка қувват бериш ниятида Қора денгиз бўйида жойлашган хорижий мамлакатга чиққандик. Қўнган манзилимизда бошқа давлатлардан келган саёҳатчилар кўп экан. Биринчи кунданок бизга, юртимизга қизиқаётганлар кўплигини ҳис қилдим. Ўз ватани, халқининг муносиб, ўзгалар ҳавас қилса арзийдиган вакили бўлишни ким истамайди?

Янги танишлар унча кўп эмас, аммо улар ҳам турли халқро ташиқлотларда, минбарларда байроғи ҳилпираб турган мамлакатларнинг вакиллари. Саломингиз муносиб алик олса, юз-кўзида самимият билан она диёрингизга қизиқиб турса, бундай одамларни ҳурматига лойиқ иззатламоқ керак.

Олдимиздаги стол устига Ўзбекона дастурхон тўшаганимда, ўтирганлар савол назари билан ҳайрон қаради. “Бизда ўртага албатта чиройли, тоза дастурхон ёзилди”, дедим. Кейин дастурхонга бир ликопга солинган, Ўзбекистон нафаси уфуриб турган майиз, ёнғоқ, туршақ, pista, бодомни қўйганимда, даврдагиларнинг кўзлари порлаб кетди (ҳеч муболагасиз!).

— Вой-вуй, манави кишимиш узумдан бўлган майизми? — деб сўради россиялик ёши улуг аёл Ирина. — Бунча узун бу майизлар? Мен бунақасини кўрмаганман.

— Бу ўртача катталиқдагиси, — дедим мен. — Бундан ҳам йириклари бор.

— Ажаб... қурилганда шундай катта майиз бўлибди, қурилмаганда қандай бўлган экан?..

Бу пайтда бошқа меҳмоним (энди мен мезбон мақомига ўтдим-да) бодом қақиб оғизга солди-ю:

— Мен ҳаётимда бунақа ширин бодом емаганман, — дея бош бармоғини “воҳ!” деган маънода кўрсатди.

Ешроқ икки шеригимиз индамай неъматлардан тотинарди, аммо Ирина таассуротларини яширмасди.

— Бу ўрикнинг қурилганими? — деб туршакни қўлга олди у. — Рангини қаранглар, табиий. Бизда дўконларда, бозорда сотилади, аммо қандайдир дорилар билан ишлов берилгани шундоқ кўриниб туради.

— Ҳа, бунга ҳеч қанақа ишлов берилмаган, — дедим ҳаёлимда мевалардан шохлари ларзон ўрик дарактлари жонланиб. — Бу исфарак деган ўрик тури, туршаклар дарактнинг устида турганда қуриб тўкилган...

Ният яхши бўлса, арзиманган нарсас билан ҳам одамларнинг кўнглини олиш мумкин. Бир ҳовучгина насиба сабаб бўлди-ю, Ўзбекистонимизда мана шу меваларнинг ўнлаб тури борлиғи, кейинги йилларда халқимизнинг талаб ва тақдирларидан келиб чиқиб, аввало, ўзимизнинг дастурхонимизни тўқин



ва тану жонимизни бардам-бақувват қиладиган, яна муҳими, рўзғорларга даромад олиб келадиган мевазорлар, узумзорлар, pistaзор бодомзорлар, поливлар ҳудудиям, ҳосилиям бир неча баробар ортгани ҳақида яйраб гапирдим.

Ҳамроҳларимга бу мевалар янгилик эмасди, аммо улар айни неъматларнинг бунақа тотли, ширинлини емаганини қайта-қайта гапирарди. Уларнинг фикрини ўша ернинг бозорини айланганда янада чуқуროқ англадим. Мақтанчоқлик, ўзидан бошқаларни камситишдек туюлмаслиғи учун саёҳатда бўлиб турган жойимиз номини айтмасликка қарор қилдим. Қолаверса, ризқ-насиба — Аллоҳдан.

Хуллас, Осиё минтақасида мўътадил об-ҳавоси, аҳолий табияти, субтропик мевалари, денгиз соҳилида жойлашгани билан машҳур бўлган бу шаҳарнинг сазавоту мевалар сотиладиган марказий бозорлари, бор гап, пештахона дўконлардаги махсулотлари билан бизнинг туманларимиз бозорлари билан ҳам бахшлаша олмайд.

Бозорлари йўл-йўлакай дўконларни атайлаб кузатдим: ҳаммасида тарвузу қовуннинг биттагина тури, биздагига ўхшаб олма, нок, олхўри, узум, шафтоли, анжирнинг хилма-хил навлари топилмайд.

Ўз бозорларимизда биз сара мевалар ичра



сарасини танлагимиз келади. Бу ерда эса... Кўз олдимга Ўзбекистонимизда пишиқчилик мавсуми бошланганидан буён кўчаю йўлак-



ларга тўкилиб, ҳеч ким териб олмай исроф бўлган, увол бўлаётган тут, ўрик, олма, олхўри келди. Илгари ҳам ёзгандим, яна кўнглимдан ўтди: “Исроф бўлаётган бу неъматларнинг ҳисоби йўқ. Қанийди, уларни териб олиб, шарбатлар, ширинликлар тайёрлашни ташкил қиладиган тадбиркорлар бўлса...”.

Сухбатлар орасида янги танишларим ҳам бу ернинг бозорларини айланганини, махсулотлари ҳақида гапирди. Гап уларнинг сифати, мазаси атрофида кўпроқ айланди. Шунда мен гарчи ҳаёлимда устоз шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орифининг салмоқдор овозида:

Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севсан фарзанд бўлса, кечирма асло!
деган сатрлари такрорланаётган бўлса-да, уламоларнинг инсон ўзига насиб этган дунё яхшиликлари, хайру барокотлари, неъматларини, гўзалликларини эътироф этиши, бунга шукронада бўлиши кераклиғи ҳақидаги ҳик-

матли ўғитлари даъватини ҳам унутмайман. Юртимизда йил фаслларининг табиию иқлимий меваю сазавот, полиз махсулотларининг дармондорилару оқсилларга, шарбатга, фойдала озуқаларга бой бўлиб етилиши учун шунчалар мос ва хос. Бунга ҳар кун шукр қилишимиз хонадонларимиз, юртимизга баракотлар ёғишига сабаб бўлади, иншааллоҳ.

Мушоҳада қилсак, баҳордан то кузгача кунлар исиб, ҳарорат кўтарилгани сайин дастурхонларимиз тўқинлиғи ортиб боради. Бундай мўл-кўчлиликни орзу қилганлар қанча! Яратганини марҳамати кенг: ўзимизга насиб этган барча яхшиликлар қаторида замин неъматларидан ҳам дунёнинг барча яхши ниятли инсонлари баҳраманд бўлишини тилаймиз.

Тилимдан бешайр шоир Ойбек домланинг сатрлари тушмай қолди:

Қуёш, нуриг сочавер мўл-мўл.

Ўзинг — ёруғ жаҳоним

Кейинги сафар битта лочира патир сабаб бўлди-ю, ҳамроҳларимнинг яна баҳри дили очилди. Улар расмларда, киноларда, видео-лаҳзаларда Ўзбекистон бозорларидаги ноларни кўрганини гапирди. “Ҳар кун шунча

хилма-хил ноллар тайёрланадими?” деб сўради.

— Ҳар кун, эрталабдан кечгача бозорлардан бундай нолларни топишнинг мумкин, — дедим. — Лекин ҳар битта вилоятнинг ўзига хос тайёрланадиган ноллариям бор. Уй бекалари сут, сарнёғ, кўкат, қалампиру зираворлар, ҳатто ошқовоқ шарбати билан қорилган ҳамирдан тайёрлайдиган ноллар бор.

Самарқанд нолари мавзуси дунё сайқали Самарқанду Бухоро обидалари ҳақидаги мулоҳазаларга улашиб кетди.

— Самарқанд ёдгорликлари сиртидаги қосинларнинг ранги неча асрлардан буён ўзгармайди дейишди, бунинг сирини топиладими? — сўради ўзини иш юритувчи деб таништирган қўшни киши.

кўз олдимга келгандек бўлди. Эртақлардаги мисоли баянлаб тоғлар орасидан ўтган, саёҳатлар мавсумида чечаклар, баҳайбат тошлар ва улар орасидан сизиб чиққан чашмалар оралаб юқорилайдиган йўл орқали бориладиган Кўли Қуббон... Лекин мен ўша онларда кўриб турган кўлнинг ҳажми Кўли Қуббондан анча кичик эди. Водийликлар, Шохимардонга борганлар яхши билади, Кўли Қуббондан қайқанда сузиб ўтиб, тоғлар орасида ёйилиб оққан муздек саёз суварини кечиб, тоғлар ичкарасига ярим қақиримча ўтсангиз, қаршингиздан яна битта кўл чиқади — унинг суви эса яшил рангда. Ҳаёлан бу уч кўлнинг катталиғи, сувларининг мусаффою муздеклиғи, атрофидаги манзараларни солиштирдим. Худбин десангиз ҳам айтаман: Шохимардон тоғлари орасидаги ана шу иккита кўл ва унинг атрофи саёҳатбоп қилиб тайёрланса, улар ҳам саёҳат йўналишларига киритилиб, етарли даражада тарғиб қилинса борми! Минтақанинг оҳанраболи бир маржон масканига айланди.

Бир-биридан жозибали, гўзал, ҳаётда асқатадиган, ёшларда нозик дид, ижодкорликни тарбиялайдиган нақшошлик, дўппидўзлик, зардўзлик, гиламдўзлик каби хунарлар, бу хунарлар соҳибларининг маҳоратини улар тайёрлаган махсулотларга мафтўн бўлиб қолган сайёҳлар озини? Бундай мисолларни жуذا кўпалаб келтириш мумкин.

Гарчи сайру саёҳатларда жуذا кўп бўлмаган эсам-да, ярим асрлик фаолиятим давомида хизмат сафари билан ёки сайёҳ сифатида санокчи хорижий юртларга чиққанман. Улардан қолган хотираларда ўзимни дерлиб бир хил қиёфада — жимгина бошқаларни эшитиб ўтирган, саволларга қисқа-қисқа жавоб берган, атрофидигилар беписанд қараётгандай, иложи борича кўпчилик эътиборидан четқоқда бўлишга ҳаракат қилган ҳолатда эслайман. Бу сафар эса шомдан кейинги сухбатларда бажону дил қатнашган, Ўзбекистон — онажон ҳақида берилган кўп саволларга жавоб берганим сайин тилим бурролашган мен бўлдим, мулоғасиз.

Севишли шoirимиз Мухаммад Юсуфнинг “Иқдор” шеъри дилдан кетмай қолди: Мен дунёни нима қилдим, Ўзинг — ёруғ жаҳоним.

Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Талаба ўғли билан келган иш юритувчи сафар муддати тугаши арафасида астагина сўради:

Юртингизга саёҳатга борсак бўладими, одамлар қандай қабул қилади?

Сухбатдошим қанчалар иккиланиб, паст овозда сўраган бўлса, мен шунчалар очиккўнглик билан қулиб жавоб бердим:

— Албатта бўлади! Халқимиз ҳар доим меҳмонни хурсандлик, бағрикенглик билан қутиб олган, ҳамон шундай. Балки киноларда кўргандирсиз, ўқигандирсиз бу ҳақда. Ҳатто одамлар ўз оиласи учун битта нолни зўрга топан уруш, очлик, қаҳатчилик йилларида ҳам бошқа жойлардан қўниб келинган одамларини ўз ихтиёри билан хонадонларига олиб кириб, уларга жой берган, топган емакларини бўлтишган. Ҳозир, Худода шукр, Ўзбекистонда тўрт фаслда ҳам тўқин-сончилик. Фақат...

Овозим, ўз ифодам ҳам ўзгарди, шекилли, сухбатдошим “Нима фақат?...” деган каби киприк қоқмай қараб турарди.

— Яхши ният, яхши қайфиятда, юртимизга ва халқимизга ҳурмат билан келадиган меҳмонларга ватанимизнинг ҳамма жойида иззат, эҳтиром кўрсатилади. Балки ижтимоий тармоқларда ҳам тарихий ёдгорликларимиз, сўлим оромгоҳларимиз, бозорларимизда хорижликлар яйраб юришини кўргандирсиз. Меҳмондўстлик аждоду авлодимизнинг қонига сингиб кетган. Фақат мамлакатимизга ичи қоралик, қадриятларимизга беписандлик, дунё ҳамжамияти тан олиб турган тараққиётимиз самараларини кўролмаслик ва мустақиллигимизга ғараз билан қадам қўймоқчи бўлганларини... бундайлар оstonамизни ҳатлашини истамаймиз. Ҳабарингиз бордир балки, кейинги йилларда айрим хорижий олимлар, депутатлар давлатимиз, миллатимизнинг асл тарихини инкор этиб, “Ўзбек давлати бўлмаган”, “бу халқ миллат сифатида шаклланмаган” каби илдооларини тарғиб қилмоққа чиранди. Сухбатимиз бир-бирдан қизиқ мунозаралар билан давом этган бўлди.

— Имкон топдим дегунча, бизнинг Ўзбекистонга бориладими! — дедим ўриндан кўз-ғалмоққа тарабдулларканмиз. — Ҳабардор қилсангиз, қутиб оламиз. Яхши меҳмонни халқимиз “Ўзек устига!” деб қаршилайди, ҳурматини жойига қўйиб, иззат билан кузатади. — Бу гапларимдан сухбатдошимнинг юзи ёришди. — Эзгу ниятли дўстларга ҳаммаша эшитгимиз, кўнглимиз очиқ. Фафур Ҳўлом деган академик шoirимиз айтганидек:

Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Тўғрисикини айтсам, сўзларимдан сухбатдошимдан кўра ўзимнинг дилим яйраб, бағримда бир виқор ҳис этдим. Қаерда бўлсанг ҳам елкангини, қаддингини, қадрингини баянлаб кўтаришга маънавий қудрат бериб, бошининг баланд тутиб ишонч билан яшашга илҳомлантириб турган халқинг, ватанинг борлиғи қанчалар саодат эканини сўзларга сингдирилмадим.